2011 йил 19 апрель, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (11.887)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
20
O'ZBEKISTON

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

**Мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масаласига изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси фармацевтика саноати соҳасидаги ижобий ўзгаришларда ҳам яққол кўзга ташланаётир. Бу ўз навбатида, кўплаб турдаги дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Козим Ўлмасов олган сурат

### Иқтисодиёт

## ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

«Радикс» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Салкам ўн йилдан буён корхонада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маҳсулот — асосан дори-дармонлар: таблетка, линимент, экстракт ва настойкалар ишлаб чиқарилади. Жумладан, стерилланган — инъекцион суюқлик ампулаларда ҳамда инфузион суюқлик полипропилен пакетчаларда тайёрланяпти. Илмий ишлаб чиқариш корхонаси йилдан йилга маҳсулот турларини кўпайтириш йўлида изланишлари боис, спиртли суюқлик ҳамда санитар гигиеник (косметик) воситалар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Ҳозирги кунга келиб, корхонада 250 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, улар 100 турга яқин дори-дармонлар ишлаб чиқаряпти. Масалан, корхонада аввалига 11 турдаги маҳсулот тайёрланган. Ўтган йилда эса бу ерда 13 миллиард 998 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарилган. Бу белгиланган режа 150 фоизга уддаланганлигини билдиради.

— Президентимизнинг «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги Қарори, — дейди «Радикс» илмий ишлаб чиқариш корхонаси директори Абдуғафур Каримов, — ҳамда 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида жорий йилда ҳам аниқ режалар белгиланди. Йилига 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни цехларимизни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, яъни замонавий линиялар ўрнатилишига сарфлаяпмиз. Ушбу маблағ икки йил аввал олинган кредит ҳамда ишлаб чиқаришдан кўрилган соф фойда ҳисобидан бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

## МАФТУНКОР ДИЁР ТААССУРОТЛАРИ

**Ўзбекистон тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан кўплаб сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Лаберт НОРМАН (Австралия):**

– Ўзбекистонга биринчи келишим. Самарқандни томоша қилдим. Бу қадимий шаҳар ҳақида китобларда, матбуотда кўп ўқиган эдим. Лекин ўз кўзинг билан кўрганинг бошқача экан. Тарихий ёдгорликлар, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, одамларнинг ширин муомаласи, бизга кўрсатилган иззат-икром – буларнинг барчасини таърифлашга тил ожиз. Биз каби сайёҳларнинг саёҳати мароқли ва мазмунли ўтиши учун барча шароитлар яратилган.

Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор мамлакатингиз иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлаётгани, шубҳасиз.

**Абҳай УЖВАЛ (Ҳиндистон):**

– Тошкентга ўтган йили ҳам келган эдим. Бир йил ичида шаҳрингиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Юртингизда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этаман. Ушбу муқаддас диёрга қайта-қайта келгим келаверади. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, менинг ўзбек мумтоз қўшиқларига меҳрим жуда баланд.

Халқингизнинг энг катта ютуғи мамлакатингиздаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Давлатингизнинг тинчликпарвар ва тараққийпарвар сиёсати келажакда янада юксак самаралар беришига ишонаман.

**Маддалена НАСТАСИ хоним (Италия):**

– Ўзбекистоннинг гўзал шаҳарлари, мустақиллик йилларида халқингиз эришаётган улкан ютуқлар ҳақида кўп эшитган ва ўқиганман. Пойтахтингиз Тошкентнинг кенг кўчалари, замонавий бинолари, бетакрор санъат ва маданият кошоналари, бозорлари менда унутилмас таассурот қолдирди. Тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечираётган халқингизга, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, барча миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувликка ҳавасим келди.

Самарқанд ва Бухородаги тарихий обидалар бизга жуда ёқди. Аждодларингизнинг юксак ақл-идроки, ўз Ватанига меҳр-муҳаббати ушбу шаҳарлардаги обидаларда мужассам. Айни пайтда бугунги авлодларнинг буюк бунёдкорлик ишлари ҳам кишини лол қолдиради.

**Шин КВАН (Жанубий Корея):**

– Тошкент, Хива, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлардаги ўз тароватти ва жилоси билан бутун дунёни мафтун этаётган меъморий ёдгорликлар юртингизнинг бой тарихидан, халқингизнинг маданияти ва меъморлик санъати юксак даражада ривож топганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг улкан имкониятларга эга мамлакат экани ҳар қадамда сезилади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради.

**ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

**Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли давридан - неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тарқалишида Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар муҳим ўрин тутган.**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Бугунги алоқалар ҳам ҳозирги замон руҳига мос ҳолда, изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги алоқаларимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантиришда сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зотан, халқлар ўртасидаги дўстлик ўзаро яқинроқ танишишда, бир-бири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишда алоҳида ўрин тутади. Бу яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда)

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯДА

**Хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига асосан жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади.**

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари таркиби тасдиқланди. Ушбу комиссиялар зиммасига жойларда бевосита сайлов жараёнига масъул бўлган ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юкланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** педиатрия-тиббиёт институтида бўлиб ўтган магистратура резидентлари ва клиник ординаторларнинг илмий-амалий анжуманида 100 га яқин ёшлар болалар жарроҳлиги, педиатрия, кардиология каби йўналишлар бўйича ўз илмий-тадқиқот лойиҳалари билан иштирок этди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан «Ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзуида конференция ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида талаба-ёшлар ва мутахассислар иштирокида Адлия бошқармаси томонидан «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — баркамол авлодни шакллантириш асоси» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда сенаторлар, депутатлар, академия тингловчилари, тадқиқотчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.**

**● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда депутатлар, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари, «Ергеодезкадастр», Табиатни муҳофаза қилиш, Солиқ, Статистика давлат қўмиталари мутахассислари, Қишлоқ ва сув хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат юридик институти олимлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари ва фермерлар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Грециянинг Каламата шаҳрида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи беллашувлари якунланди. Дунёнинг энг кучли спортчилари иштирок этган нуфузли мусобақада навоийлик иқтидорли гимнастикачи Ульяна Трофимова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У тўпда машқ бажариш баҳсларида 27,500 балл жамғариб, учинчи ўринни эгаллади. Биринчи ва иккинчи ўринлар россиялик Дарья Дмитриева (28,150) ва Дарья Кондакова (28,250)га насиб этди.**

**● Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Самарқанд: Буюк Ипак йўли дурдонаси» деб номланган ўзбек маданияти кечаси ўтказилди. Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, мамлакатимизнинг Испания қироллигидаги элчихонаси ҳамда Испаниянинг «Repsol» компанияси томонидан ташкил этилди.**

**● АҚШ федерал қидирув бюроси 1947 йили ҳалокатга учраган номаълум учар жисмлар ҳақидаги маълумотни ошкор қилди. Маълум бўлишича, Нью-Мексика штатининг Розуэлл шаҳарчаси яқинида ликопчага ўхшаш жисм қулаб тушган. Уни гўё бўйи 90 сантиметр келадиган «митти учувчи»лар бошқарган. Бу воқеага дахлдор маълумотлар «The Vault» электрон нашридан эълон қилинди. ФҚБ мутахассислари, топилмага гувоҳ бўлган ҳарбийлар ва маҳаллий аҳоли билдирган фикрлар федерал хизмат музейида сақланади.**

**● Германияда велосипед жамоат транспортига айланди. Мамлакат ҳукумати ишлаб чиққан лойиҳага кўра, велосипедларни ижарага бериш йўлга қўйилади, метро, автобус ва шаҳар электропоездлари бекатлари атрофида махсус тўхташ жойлари қурилади. Бу эса велотранспортдан фойдаланувчи йўловчилар учун қулайлик туғдиради. Германия транспорт вазири Петер Рамзауэрнинг айтишича, бешта шаҳарда амалга оширилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳага 12,7 миллион евро сарфланади.**

**● Германиянинг Фраунховер институти олимлари Япониянинг «Awaiba» компанияси билан ҳамкорликда дунёдаги энг кичик видеокамерани яратдилар.**

Концепция: устувор вазифалар

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ КЎЗГУСИ

**Оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида, унда рўй бераётган ўзгаришларнинг кўзгуси сифатида ҳамиша катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Уларга тўртинчи ҳокимият таърифининг берилиши ҳам бежиз эмас.**

Мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичи демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси изчил амалга оширилаётган бир пайтда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти янада ошиши табиийдир.

2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисига Юртбошимиз томонидан тақдим этилган тарихий Концепцияда Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласи алоҳида боб сифатида жой олгани диққатга сазовордир.

Президентимизнинг «Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз», — деб билдирган фикрида матбуотнинг моҳияти ёрқин ифода этилган.

Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган йиллар барча соҳалар қатори ОАВ учун ҳам серқирра ривожланиш даври бўлди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг, биринчи навбатда соҳанинг ҳуқуқий базасига эътибор қаратилди ва ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш бошланди. Оммавий ахборот воситаларининг халқаро ҳуқуқий асосларини — Инсон ҳуқуқлари халқаро умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномалар ташкил этади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда ахборотни излаш, олиш, тарқатиш жараёнлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий базасининг яратилишида мамлакатимиз Конституциясига асосий манба сифатида таянилган. Яратилган кенг шароитлар туфайли мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларининг сони тўрт баробарга ошиб, бугунги кунда 1218 тани ташкил этади. Агар мустақиллик давригача мавжуд оммавий ахборот воситаларининг барчаси давлатга қарашли бўлган бўлса, бугун уларнинг 53 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Эътиборлиси, 1991 йилларда давлатга қарашли битта телевидение ва радиодан бошқа бундай оммавий ахборот воситасининг ўзи мавжуд эмас эди. Бугун телерадиоканаллардан ташқари, веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада энг тез ривожланаётган тармоқлар ҳам айнан электрон ОАВ ҳисобига тўғри келади. Ҳозирда мавжуд электрон ОАВ (ТВ, радиоканал, веб-сайт)нинг 85 фоизини нодавлат ОАВ ташкил этади.

Оммавий ахборот воситалари етти тилда, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб боради.

Бундай салмоқли ўзгаришлар соҳада қонунчилик механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун янада кенг ва қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг парламент қўшма мажлисидаги маърузасида Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйган вазифалари айнан шу мақсадга йўналтирилган. Концепцияда ахборот соҳасига дахлдор «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан бирга «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунни такомиллаштириш ҳамда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ва «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклифи киритилди.

Ахборот соҳаси деганда, субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бутун фаолиятини ўз ичига олган жараён назарда тутилади.

Ахборот соҳасини ислоҳ этиш деганда эса айнан мана шу жараён ичидаги субъектларнинг ахборотни яратиш, излаш, олиш ва ундан фойдаланишдаги ўзаро муносабатларини қайтадан кўриб чиқиш ва янада соддалаштиришга эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашуви давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ОАВ фаол иштирокини тақозо қилиши билан бирга, мавжуд ахборот манбаларидан янада самарали фойдаланиш, матбуот эркинлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ қондиришга йўналтирилган бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Жумладан, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун 2007 йилда қабул қилинган бўлса-да, ҳозирда ҳаётимизнинг барча соҳаларида ОАВ иштирокига оид самарали ҳуқуқий механизмни такомиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати кўзга ташланмоқда.

Масалан, ушбу Қонуннинг баъзи моддаларида бир-бирини инкор этувчи жиҳатлар мавжуд. Хусусан, даврий босма нашрлар иловаси ва электрон шаклининг аниқ мақоми кўрсатилмаганлиги сабабли бу моддалар амалиётда баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, ОАВни рўйхатдан ўтказиш муддатлари, муассис ва таҳририятнинг мажбуриятлари масаласи ҳам қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Шундай ҳолатни «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам кузатиш мумкин. Мазкур қонун 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг олдига қўйилган асосий вазифа ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқларини, ахборотнинг муҳофаза қилинишини, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Айнан шунинг учун ҳам бу қонунда айрим моддаларни ўзгартириш ва зарур бўлса янги моддалар киритишга тўғри келяпти. Мисол учун, бугунги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган тезкор даврда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари, ахборот мулкдори ва эгасининг ахборот беришни рад этган тақдирда жавобгарлиги билан боғлиқ яна бир қанча масалалар ҳақиқатан ҳам изоҳ талаб бўлиб қолган.

Бу икки қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан асосий мақсад давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратини тўлақонли таъминлашга, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлашга эришишдан иборатдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари механизмларини кучайтириш ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир». Ушбу вазифани амалга ошириш учун «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилиш таклиф этилди. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича таклиф этилган тадбирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг мустақил институт сифатида шаклланишини, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очиқликни ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак соҳага оид қонунларимиз бир томондан ОАВ фаолиятининг эркинлигини таъминлаб берса, иккинчи томондан фуқароларнинг монеликсиз ахборот олишини, ўз қарашларини эркин ифодалашларини, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини кафолатлайди. ОАВ соҳасида амалга ошириладиган мажмуавий чора-тадбирлар, улар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчилик базасининг янада мустаҳкамланиши жамиятимизда демократик жараёнларнинг янада тезлашиши, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин олишимизга хизмат қилади.

**Улуғбек СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бошқарма бошлиғи**

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тошкент шаҳар Кенгаши фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг биринчи йиғилишида қайд этилганидек, бугунги кунда пойтахтимиздаги барча 476 та маҳаллада ишчи гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, уларнинг таркибига маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар вакиллари, шунингдек амалдаги фуқаролар йиғинига аъзо бўлмаган маҳалла фаоллари киритилган.

Ушбу сайлов кампанияси давомида Олий Мажлис Сенати томонидан биринчи марта ишлаб чиқилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисидаги концепция дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, барча ишчи гуруҳлари сайлов тўлиқ қонун талабларига мувофиқ ўтказилишига асос бўлувчи зарур ҳуқуқий-услубий ҳужжатлар билан ҳам таъминланди.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиялари аъзолари иштирок этган йиғилишда сайловга тайёргарлик кўришнинг айни пайтдаги босқичида ўтказилиши кўзда тутилган тадбирларга оид тушунтиришлар бериб ўтилди. Хусусан, туман ҳокимликлари кўмагида ишчи гуруҳлари сайлов ўтказиладиган жойга аниқлик киритиб олиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этадиган вакиллар сони ҳам белгилаб олинади. Сайловда иштирок этадиган вакилларни сайлаш жараёни фаол ва шаффоф, фуқароларни кенг жалб қилган ҳолда ўтказилиши талаб этилади. Бу борада, йиғилишда қайд этилганидек, ҳар бир хонадон эгаси янги сайланадиган маҳалла раиси учун унинг номидан ким овоз бериши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаган ҳолда ҳар бир кўп қаватли уй, якка тартибдаги турар жой мавзеларида — ҳар бир кўча бўйича аҳоли йиғилишларини ўтказиш лозим.

Ушбу йўналишда туман комиссиялари вакилларни сайлаш бўйича йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, тегишли баённомаларни тасдиқлаш таомиллари билан таништириб ўтилди.

Фуқаролар йиғинлари раислигига номзодларни танлаш юзасидан ҳам тегишли тавсиялар берилди. Айтиб ўтилганидек, ишчи гуруҳлари томонидан танланган оқсоқолликка номзодлар тегишли туман ҳокими билан келишилади. Номзодликка ушбу маҳаллада муқим истиқомат қиладиган ва манзил рўйхатидан ўтган, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга, олий маълумотли, кўпчилик манфаати йўлида ишни ташкил этишга қодир инсонлар танланиши лозим.

Таъкидланганидек, бу борада кейинги йиллар давомида туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари томонидан раҳбар кадрлар захираларини, шу жумладан фуқаролар йиғинлари таркиби бўйича захираларни шакллантириш юзасидан тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилган. Айнан шу йўналишда, хусусан, Миробод ва Олмазор туманларида тажриба ҳам орттирилган. Бу ҳақда фуқаролар йиғинларига сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи тегишли туман комиссиялари аъзолари ахборот бериб ўтишди, шунингдек ишчи гуруҳлари учун кўргазмали семинар-тренинглар ўтказиш юзасидан ҳам таклиф киритишди. Айтиб ўтилганидек, бундай семинарлар бевосита сайлов жараёнида кўтарилиши мумкин бўлган саволларни аввалдан кун тартибидан чиқаришга имконият яратади.

Йиғилишда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, бу борада махсус медиа-режа ишлаб чиқиш лозимлиги тавсия этилди. Туман комиссияларига шунингдек гавжум жойларда барчага бирдек дахлдор бўлган фуқаролар йиғинларига сайлов бошланаётганлигини тарғиб этувчи плакатларни жойлаштириш вазифаси топширилди. Бундан ташқари, сайлов бўлиб ўтадиган жойлар атроф-ҳудудларини ободонлаштириш, маҳалла фуқаролари кўтараётган долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни, халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1998 йилда тузилган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат аҳолисини Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Дўстлик жамияти мамлакатларимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият, маориф соҳаларини ривожлантириш ва спортни қўллаб-қувватлаш борасида етакчи ташкилотлардан бири – «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси 2005 йилда Пекин шаҳрида ўз ваколатхонасини очган. Ушбу жамғарманинг юртимиз миллий маданияти, қадрият ва анъаналари ҳамда бой тарихий мероси ва бетакрор санъатини Хитойда кенг тарғиб этишдаги ўрни беқиёс.

Самарқандда 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида хитойлик санъаткорлар мунтазам равишда иштирок этиб, қатор совринли ўринларни қўлга киритаётир. Шунингдек, бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки мамлакатда ҳам мунтазам турли кўргазмалар ўтказиб турилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига яққол мисол бўла олади. Пойтахтимизда 2005 йилда ташкил топган ушбу институт ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишда икки томонлама алмашув ва ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, – дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Чжан Вэй. – Хитойга таълим олиш, саёҳат қилиш учун ташриф буюраётган Ўзбекистон фуқароларининг сони тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Хитойдан Ўзбекистонга бадиий ва илмий йўналишда фаолият юритувчи делегациялар вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Бу йил Истиқлолимизнинг йигирма йиллигини кенг нишонлаймиз.

Мустақиллик бизга эркин ва озод яшаш, ҳар бир инсон ўз ривожланиш йўлини мустақил белгилашга қодир, ҳеч кимдан қарам бўлмаган мамлакатнинг фуқароси сифатида яшаш имкониятини очиб берди.

Ўзбекистон йигирма йил аввал ривожланишнинг энг демократик йўлини — босқичма-босқич амалга ошириладиган ўзгаришлар орқали мустақил равишда кучли ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлади.

Мустақил давлатимиз янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнларини изчил олиб бориш йўлида қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, кучли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш каби асосий мақсадларга эришишда бош ислоҳотчи вазифасини ўтаётганининг, ислоҳотлар авваламбор инсон манфаатларига хизмат қилаётганининг гувоҳимиз.

Ҳақиқатан ҳам бугун биз мустақил ривожланишнинг дастлабки босқичларида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳар жабҳада ўз ифодасини топганини амалда кўраётирмиз. Қолаверса, мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётганимиз бундан далолатдир. Қайси бир соҳани олмайлик, янгиланишлар, ўзгаришлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Албатта, буларнинг бари бизга ғурур ва ифтихор бахш этади, янада яхши ишлашга, янги марраларни забт этишга ундайди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида «Тарихан қисқа бир даврда аввало эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир», деб таъкидлаб ўтилган.

Ҳар биримиз обод ва озод, кун сайин гўзаллашиб бораётган юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдамиз ва ҳар лаҳзада атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини англаймиз. Демак, энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириши борасида белгиланган истиқболли мақсадни рўёбга чиқаришда ҳам салмоқли ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айнан шу мақсадда қарорда қайд этиб ўтилганидек, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг омма орасида тарғиб этиш, эришилган ютуқларни янада чуқурроқ англаб етиш, байрам руҳи ҳар жабҳада, ҳар оилада, ҳар бир кишининг қалбига етиб боришига эришиш учун кенг жамоатчиликни фаол жалб қилган ҳолда кенг кўламда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз минтақалари кесимида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳлари айнан шу мақсадда фаолият юритмоқда. Жумладан, куни кеча шаҳар ишчи гуруҳининг йиғилишида маданий-маърифий тадбирларнинг мажмуавий дастурини ишлаб чиқишга оид бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, байрамга бағишланган тадбирлар давомида аҳолининг барча қатламини қамраб олишга эришиш лозим. Ташкилий жараёнларга Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, шунингдек таълим, соғлиқни сақлаш тузилмалари, бошқа жамоат ва давлат идоралари вакиллари жалб этилмоқда. Албатта, маданий-маърифий тадбирларда олимлар, адабиёт, маданият, санъат арбоблари, янги ижодий кучлар, ёш истеъдод соҳиблари кенг иштирок этади.

Қайд этилганидек, ҳар бир тадбир мазмунан бой бўлиб, моҳиятан унда миллий истиқлол ғояси мужассам этилиши, мустақиллик йилларида ҳаётимиз сифат даражаси юксалиб бораётгани, мамлакатимиз, шаҳарларимиз, маҳаллаларимиз қиёфаси обод ва кўркамлашаётгани, барча эришилган натижалар ва ютуқлар демократик ислоҳотлар асоси сифатида ёритиб берилишига эришиш лозим.

Бу борада ахборот материалларининг кенг тарқалишида энг самарали восита сифатида оммавий ахборот воситалари имкониятлари инобатга олинган ҳолда, маданий-маърифий тадбирлар ташкилотчилари томонидан телевидение, радио, босма матбуот ва ахборот агентликлари билан ўзаро ҳамкорлик изчил йўлга қўйилиши, шунингдек мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни ифодаловчи ёрқин роликлар тайёрланиши лозимлигига ҳам урғу бериб ўтилди.

Йиғилишда тарғиботчи-нотиқлар гуруҳлари республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий соҳаларда яққол сезилаётганини таъриф этувчи амалий материаллардан кенг фойдаланиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса тарғиботнинг таъсирчан шаклларидан фойдаланиш, бу борада байрам тадбирларини одамлар, айниқса ёшлар қалбида, онгида мустақиллик неъматлари бўлмиш ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамловчи янги ташаббуслар, янги марраларга илҳомлантирувчи даражада ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**

# ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тайёрланаётган ҳар бир дори корхона қошида фаолият кўрсатаётган синов лабораториясида етакчи мутахассислар назоратидан ўтказилади. Кейинги жараёнда эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиғига топширилади. Қисқаси, уларнинг бари сертификатланган, лицензияга эга бўлиши ҳамда рухсат берувчи гувоҳнома олиши кўзда тутилган. Шундан сўнг дорихона, шифохона, соғломлаштириш муассасаларига топширилади. Иқтисодиётимиз равнақида илм-фаннинг беқиёс ўрнини алоҳида таъкидлаган ҳолда корхона Ўзбекистон Фанлар академиясининг кимё ва физика илмий ишлаб-чиқариш институтлари билан ҳамкорликка жиддий эътибор қаратган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхонада янги технологик линиянинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши ҳисобига 30-40 та қўшимча иш ўринлари яратилиши мақсад қилинган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Саховат

# КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

**Меҳрга, саховатга, эзгуликка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтаришдан ортиқ савоб иш бўлмаса керак.**



Буни куни кеча Юнусобод туманидаги «Тинчлик» маҳалласида 300 нафардан ортиқ меҳрга ташна инсонлар, имконияти чекланган оилалар аъзолари, нуроний отахонлар, онахонлар, ёшлар, фаоллар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири ҳам яққол исботлаб турибди. Шу куни бир оила аъзоларидек дастурхон атрофига жам бўлган маҳалладошлар баҳорий неъматлар— сумалак, кўк сомса, кўк чучвара, миллий таомимиз паловнинг лаззатидан баҳраманд бўлишди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари Пўлат Носиров, Рихси Иброҳимова, Феруза Бобоёрова, Хосият Ҳусановалар томонидан ижро этилган қўшиқлар, лапарлар, спектакллардан парчалар, эл севган санъаткор Ғиёс Бойтоев ижросидаги Ватан, она, эзгулик, муҳаббат, табиат ҳамда саховатни улуғловчи қўшиқлар кечанинг файзига ўзгача файз қўшди. «Қалдирғоч» номли 498- ҳамда 500-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ижро этган шеър ва қўшиқлар йиғилганлар кўнглини шод этди.

— Бугунги тадбирдан оиламиз аъзоларининг кўнгиллари тоғдек кўтарилди, — деди Хикмат Ҳайдаров. — Чунки орзу қилган таниқли санъаткорларимиз ижросидаги саҳна кўринишлари, қўшиқларни эшитдик, баҳор таомларидан баҳраманд бўлдик. Анчадан бери дийдорлашмаган маҳалладошларимиз билан мириқиб суҳбатлашдик. Қувонарлиси, ҳар доим маҳалла фаоллари уйимизга келиб ҳолимиздан хабар олишади, совғалар беришади, қандай ёрдам зарур бўлса, албатта кўмак кўрсатишади.

Хайрли тадбир якунида барча иштирокчиларга маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Мирзо Улуғбек туманидаги 71-мактабда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан анъанавий ўтказилиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтмоқда.**

# ПЕДАГОГЛАР ТАНЛОВИ

Танловнинг мактаб ва туман босқичларида муваффақиятли иштирок этган ўқитувчилар 20 та фан бўйича билимини синовдан ўтказмоқда.

Танловнинг биринчи шартида ўқитувчилар педагогик маҳоратини намойиш этиш мақсадида ижодий иш, яъни иншо ва баён ёзишди. Иккинчи шартда улар педагогика, психология, экология, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси фанлари юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишди. Учинчи шартда педагоглар ўзларининг компьютер саводхонлигини намойиш этишди. Улар замонавий ахборот технологияларини қай тарзда ўзлаштирганлигини ҳамда компьютерда Microsoft Excel, Microsoft Word, Microsoft PowerPoint, Internet Explorer дастурларида ишлаш маҳоратларини кўрсатиб беришди. Охирги шартда эса ўқитувчилар 45 дақиқалик машғулотни ноодатий интерактив усулдаги очиқ дарс ва турли қизиқарли ўйинлар тарзида ўтиб беришди.

— Танловдан кўзланган мақсад, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маркази раҳбари Нодира Шомансурова «Туркистон-пресс» мухбирига, — педагоглар орасидан энг ташаббускор, илғор, ижодкор ва истеъдодлиларини танлаб олиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат. — Шунингдек, ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялаётган, ўқув жараёнида замонавий ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни самарали қўллаётган ўқитувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш ва тажрибаларини оммалаштириш танловнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Мазкур педагогик мусобақа баҳона ўқитувчиларнинг ўқув-методик ишлари, ижодий қобилиятлари ҳамда услубий бирлашмалар фаолиятидаги изланишларини синовдан ўтказдик. Биласизми, бугунги кун ўқувчиси жуда зийрак, ақлли ва қизиқувчан. У ҳамма нарсани билишга интилади. Болалар берадиган барча саволларга тўғри жавоб бериши учун бугунги кун ўқитувчиси ҳам фақат ўзи сабоқ берадиган фанни чуқур билибгина қолмасдан, барча соҳалардан хабардор бўлиши, жамиятда рўй бераётган ислоҳотларни теран мушоҳада қилиб, вазиятга тўғри баҳо бера олиши шарт.

Танловнинг биринчи ва иккинчи турларида она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фанлари бўйича Мирobod туманидаги 218-мактабнинг ўқитувчиси Наргиза Салимова, Олмазор туманидаги 249-мактаб ўқитувчиси Шоҳида Ҳакимова ва Юнусобод туманидаги 250-мактаб педагоги Бухолида Тоштемироваларнинг иштироки муваффақиятли деб топилиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

**Азима ҚИЁСОВА**

**11-12 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурловчилар миллий форуми ҳамда анъанавий миллий дастурлаш маҳсулотларининг «Best Soft Uzbekistan» кўргазмаси бўлиб ўтади.**

# ДАСТУРЛОВЧИЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Ҳар йили ўтказилиб келинадиган дастурловчилар миллий форуми ва кўргазмасини ташкил этишдан мақсад, Ўзбекистон саноатини барқарор ривожлантиришдаги муҳим вазифаларни муҳокама қилишдан иборат. Шунингдек, мазкур анжуман мутахассисларни тайёрлашда таълим жараёнларини фаоллаштиришга кўмаклашишни ҳам кўзда тутади.

«Best Soft Uzbekistan-2011» кўргазмаси «Лойиҳани амалга ошириш», «Таълим», «Ахборот хавфсизлиги», «Мультмедиа» каби бир нечта шўъбаларга бўлинган ҳолда намойиш этилади. Кўргазма намойиши доирасида дастурлаш маҳсулотлари бўйича ўтказилаётган кўрик-танловнинг уч йўналиши — «Дастурлаш маҳсулоти — йил белгиси», «2010 йилнинг энг яхши лойиҳаси», «Ахборот технологиялари таълими доирасидаги энг яхши компанияси» ғолиблари эълон қилинади. Кўргазмада республика саноатини барқарор ривожлантиришда муваффақиятли амалга оширилган ва муҳим деб топилган лойиҳалар намойиш этилади. Миллий форум доирасида ташкил этилиши режалаштирилаётган семинар, мастер-класс ҳамда тақдимотлар соҳа мутахассислари учун ўзаро тажриба алмашиш, маҳсулотларни амалга татбиқ этиш борасида малакаларини ошириш ҳамда соҳада эришилган сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишга имкон яратади.

**«Туркистон-пресс»**

Фан

# ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР АМАЛДА

**Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот институтлари орасида «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техникавий маркази ўзига хос мавқега эга. Бу илмий муассасада кибернетика фанининг зиммасига юклатилган вазифалар бўйича самарали изланишлар олиб борилмоқда.**

Марказ таркиби Кибернетика институти ва Алгоритм инженери институтлари ҳамда «Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси» махсус лойиҳа-конструкторлик бюросидан иборат. Ахборотлар ҳимоясини дастурий жиҳатдан таъминлаш, илмий тадқиқотлар ва муҳандислик ҳисоблари учун алгоритмик тизимлар яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

Шу ўринда алгоритмлаштиришнинг назарий асослари яратилганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Кўп қатламли муҳитларда масса силжишининг мураккаб чизиқли ва чизиқсиз жараёнлари масалаларини ечишнинг математик моделлари ҳам ишлаб чиқилди.

Москвадаги ҳисоблаш маркази, Санкт-Петербургдаги информатика ва автоматлаштириш институти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Кейинги йилларда эса ривожланган давлатлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу эса кибернетикага информатика соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда қўл келди.

Илмий ҳажмдаги дастур воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу йўналишдаги изланишлардан 30 дан ортиғига республика патент идорасида гувоҳнома олинди. Нефть ва газ тармоғида, машинасозликда, транспортда, агросаноат мажмуасида, шунингдек, Республика биринчи клиникасида, «Орол сув қурилиши» ва бошқа ташкилотларда дастурий воситалар қўлланилмоқда.

Республикамиздаги йирик саноат корхоналарини, ижтимоий-иқтисодий тармоқларни комплекс автоматлаштириш билан боғлиқ илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик ишларини бажариш жараёнлари режалар асосида амалга оширилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани «Арғин савдо» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 04.02.2011 йилдаги № 820-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав. бел. номаълум бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 175 255 сўм. 2. 04.02.2011 йилдаги № 814-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган «УАЗ 469» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 763 076 сўм. 3. 20.08.2010 йилдаги № 7434-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган «Т-28 Х4МС101» русумли трактор воситаси, бош. нархи – 5 045 640 сўм. 4. 20.08.2010 йилдаги № 7434-сон ижро ҳужжатига асосан, и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган «2 ПТС 4793 А» русумли трактор воситаси, бош. нархи – 1 664 400 сўм. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 03.03.2011 йилдаги 4142-сон ижро ҳужжатига асосан, Зангиота тумани «Матлубот Инвест» омборхонасида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав. бел. 70 М 821 АА бўлган «Нексия» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 8 904 607 сўм.

Аукцион савдосига Паркент тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда: 1. 18.10.2010 йилдаги № 1-8504-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Бешкапа маҳалласи, О. Юнусов кўчасида жойлашган, 85,67 кв.м.ли, 4 хонали, ум. ер майдони 690 кв.м.дан иборат бўлган 27-уй жой (ҳовли) қўйилмоқда, бош. нархи – 41 232 000 сўм. 2. 18.01.2011 йилдаги № 11-1030/25354-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Ёшлик» қўрғонида жойлашган, фойдаланиш майдони 6,0277 кв.м, 186 кв.м, кушхона, 27,25 кв. м. дан иборат бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бош. нархи – 39 743 700 сўм. 3.06.01.2011 йилдаги № 1-90/11-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Бўрсилик маҳалласи, Самарабод кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий майдони 279,98 кв. м. дан иборат бўлган бино қўйилмоқда, бош. нархи – 38 000 000 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 11.02.2010 йилдаги № 658/2010-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган, фойдали майдони 93,85 кв.м, яшаш майдони 58.26 кв.м.дан иборат бўлган 4 хонали 9-уй, 116-хонадон уй-жой қўйилмоқда, бош. нархи – 56 250 000 сўм. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 29.10.2010 йилдаги № 1-6235/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа даҳасида жойлашган, фойдаланиш майдони 79,83 кв.м., яшаш майдони 47.01 кв.м.дан иборат бўлган 2 хонали 15-уй, 30 ва 31-хонадонлар уй-жой қўйилмоқда, бош. нархи – 69 000 000 сўм. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан 26.10.2010 йилдаги № 1-6066/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тараққиёт 4-даҳада жойлашган, яшаш майдони 73,34 кв.м.дан иборат бўлган 4 хонали 4-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош. нархи – 50 000 000 сўм. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 11.02.2011 йилдаги №2884-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 BI 429 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 269 498 сўм. 2. 01.03.2011 йилдаги № 4203-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 9994 бўлган «Хундай Туксон» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 41 500 000 сўм. 3. 11.02.2011 йилдаги №2885-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 А 903 ЕА бўлган «Нексия Д 150» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 516 199 сўм. 4. 01.03.2011 йилдаги № 4200-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 20 F 403 АА бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 33 935 162 сўм. 5. 18.02.2011 йилдаги № 3454-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 R 4000 бўлган «Мерседес бенц 250» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 784 507 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 28.02.2011 йилдаги 3471/18-сон ижро ҳужжатига асосан, Жарариқ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав.бел. 01 S 823 GA бўлган «Матиз» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 9 077 058 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 04.05.2006 йилдаги 10-0610/2010-сон ижро ҳужжатига асосан, Яккасарой тумани ободонлаштириш бошқармасида сақланаётган, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 10 АР 283 бўлган «Нексия» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 8 645 248 сўм. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 25.01.2011 йилдаги 2-254/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар ИИББ ахборот марказида сақланаётган, 2003 йилда и/ч., дав.бел. 10 В 260 ВА бўлган «Матиз» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 8 540 520 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 15.03.2011 йилдаги 1-541/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани ИИБда сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 30 Н 702 АА бўлган «Нексия Донс» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 15 946 500 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 19 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 9 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 5 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Мирobod тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 09.11.2010 йилдаги № 14150/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 BG 453 бўлган «Лада 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 437 000 сўм. 2. 08.07.2010 йилдаги № 12057/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 F 3897 бўлган «Газ-2410» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 495 000 сўм. 3. 05.10.2010 йилдаги № 11742/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 0252 бўлган «Ваз 21063» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 335 000 сўм. 4. 12.10.2010 йилдаги № 12194/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 2006 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 Q 530 АА бўлган «Ваз-21070-120-21» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 994 000 сўм. 5. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 W 622 ВА бўлган «Ваз-2108» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 986 100 сўм. 6. 14.01.2011 йилдаги № 429/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 58-95 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 246 000 сўм. 7. 04.11.2010 йилдаги № 435/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 К 17-39 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 397 000 сўм. 8. 07.11.2010 йилдаги № 14144/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2005 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Z 1501 бўлган «RANGE ROVER» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 189 670 500 сўм. 9. 06.04.2010 йилдаги № 3660/24-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 32-93 бўлган «Газ 2417» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 922 500 сўм. 10. 08.09.2009 йилдаги № 10880/11-сон ижро ҳужжат. асосан, 1982 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 В 1963 бўлган «Маз 35334» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 36 573 000 сўм. 11. 30.12.2006 йилдаги № 13738/4-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 55-99 ЕР бўлган «МОАЗ-546-П» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 025 000 сўм. 12. 23.10.2009 йилдаги № 10658/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Т 99-17 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 690 300 сўм. 13. 13.04.2010 йилдаги № 3873/18-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 С 518 DA бўлган «Ваз-2103» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 120 500 сўм. 14. 06.04.2010 йилдаги № 3660/24-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 32-93 бўлган «Газ 2417» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 922 500 сўм. 15. 08.06.2009 йилдаги № 6573/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 19 А 722 бўлган «Алкан-13» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 356 380 сўм. 16. 27.04.2009 йилдаги № 4924/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 12 номдаги терини қайта ишловчи ускуналар, бош. нархи – 1 800 000 сўм.

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уй «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10.09.2008 йилдаги № 1-562/08-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 30 Р 06-14 бўлган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 015 585 сўм. 2. 05.12.2009 йилдаги № 1-900/09-сон ижро варақасига асосан, 1983 йилда и/ч., дав.бел. 30 С 61-42 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 317 525 сўм. 3. 26.09.2010 йилдаги № 1-504/09-сон ижро варақасига асосан, 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 AZ 071 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 578 925 сўм. 4. 30.04.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 30 G 50-81 бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 215 964 сўм. 5. 21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан, Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган, 1999 йилда и/ч., дав.белгисиз бўлган «Тойота РАВ-4» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 19 634 088 сўм 6. 31.07.2007 йилдаги № 1-364-09-сон ижро варақасига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 К 86-14 бўлган «ВАЗ-21033» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 194 188 сўм 7. 14.05.2008 йилдаги № 1-197-08-сон ижро варақасига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.-бел. 10 J 47-22 бўлган, «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 573 956 сўм. 8. 07.10.2009 йилдаги № 1-395/09-сон ижро варақасига асосан, 1987 йилда и/ч., дав.-бел. 17 М 53-25 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 872 286 сўм. 9. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 2000 йилда и/ч., дав.бел. 10 AS 994 бўлган «Мерседес бенц 609» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 103 772 сўм. 10. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 10 AW 154 бўлган «Мерседес бенц 609» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 905 529 сўм. 11. 29.12.2008 йилдаги № 1-765-08-сон ижро варақасига асосан, 1989 йилда и/ч., дав.бел. 30 I 89 85 бўлган «Маз 54322» русумли автотранспорт ва 1989 йилда и/ч., дав. бел. 10 С 364 бўлган «Маз 9397» тиркама воситалари бош. нархи – 16 491 423 сўм. 12. 23.02.2007 йилдаги № 1-88-07-сон ижро варақасига асосан, 1996 йилда и/ч., дав.бел. 10 Y 878 бўлган «Фиат Темпра» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 042 281 сўм. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 04.03.2010 йилдаги 2-036-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Иззат кўчасида жойлашган, ум. ер майдони 450 кв.м. бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат 34-уй (хонадон) қўйилмоқда, бош. нархи – 76 627 151 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 13.10.2010 йилдаги № 22267/25-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчасида жойлашган 4 та яшаш хонасидан иборат, жами 82,96 кв.м. бўлган 14-А уй, 71-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош. нархи – 51 000 000 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 06.07.2009 йилдаги 100906/7664-сон ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, Д-20, 46-уйда сақланаётган 1995 йилда и/ч., дав.бел. 10 АТ 910 бўлган «Газ 3102951» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 2 367 906 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 30.04.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани, Ҳалқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 AR 388 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 6 100 649 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ИЖОБИЙ НАТИЖА БЕРАДИ

**Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу йиллар давомида бизга етиб келган шарқона ҳаёт фалсафасидир.**

Шундай экан, ёшларимиз қалби ва онгида маънавиятимизга бегона бўлган хуружларга қарши иммунитет уйғотиш, баркамол авлодни шакллантиришда имкониятлардан фойдаланиш, олдимизга қўйилган мақсадлар сари олға қадам ташлаш учун янада кўплаб самарали ишлар қилмоқ лозим.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам айнан шу мақсадлар кўзланган. Бугунги кунга келиб, хайрли жараёнларни амалга ошириш борасида жойларда кўплаб тадбирлар, истиқболли ишлар қилинмоқда.

Юнусобод туманидаги 313-мактабда ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан ўтказилган ушбу тадбирда «Ҳасанбой», «Гулистон» ва бошқа маҳаллалар фаоллари, халқ таълими бўлими вакиллари, ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар жамиятдаги иллатларнинг олдини олиш ҳамда оммавий маданият таҳдидларидан сақланиш, огоҳликка даъват ва ислом динида одоб-ахлоқнинг аҳамияти борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

— Ўтказилган тадбирнинг асосий моҳияти аҳоли ва ёшларнинг дунёқарашини янада бойитиш, уларни тўғри тарбиялаш, жамиятда маънавий-маданий соғлом муҳит ҳукм суришига ҳисса қўшиш, — дейди туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова. — Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар албатта ижобий натижасини беради. Бугун эртамиз эгаларига улкан имкониятлар эшиги очиб берилган. Улар қалбига ватанпарварлик руҳини сингдирган ҳолда меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш бизнинг вазифамиздир.

Тадбир якунида «Қувонч қайғуси» ҳужжатли фильмининг намойиш этилиши иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

**Садоқат АСЛАНОВА**



Козим Ўлмасов олган сурат





**Ёшлик — инсон ҳаётининг асоси, умрнинг баҳори. Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ёшлик илҳомлари» шиори остида ёш ижодкорлар анжумани ўтказилмоқда.**

Маънавият гулшани

# ЁШ ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда бадиий адабиётнинг беқиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ёш ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш мақсадида ўтказилаётган «Ёшлик илҳомлари» шиори остидаги анжуман куни кеча Сергели тумани ҳокимиятида ҳам қизиқарли тарзда ўтди.

Мазкур маънавий-маърифий тадбирда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясига, айниқса иқтидорли ёшларнинг истеъдодларини юзага чиқариш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, уларни таниқли санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар ва бастакорлар, спортчилар ҳаёти ва ижоди, ютуқлари билан яқиндан таништириш, улардан ўрнак олишга қаратилган ғоят муҳим ва аҳамиятли ҳисобланган ижодий учрашувлар, семинар-тренинглар, мулоқотлар ва давра суҳбатларини ўтказиш анъанага айланиб бораётганлигини қайд этишди. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган эзгу ишлар ёшларнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилаётганлигини таъкидлашди.

«Денгизу уммон оша» китоби муаллифи, ёш олима Зулхумор Мирзаева, «Бир сўз сири» китоби муаллифи Жамшид Матёқубов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Гулинигор Авазовалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, билим олиш, ижод қилиш учун яратилаётган кенг имкониятлардан ғурурланиб, миннатдорликларини ифтихор билан сўзладилар. Ўз ижодий фаолиятлари, қўлга киритган ютуқлари хусусида тенгдошлари билан ўртоқлашишди.

Ёшлик ва жўшқинлик тараннум этилган анжуманда туман Ўқувчилар ижодиёт маркази, 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, «Келажак овози» кўрик-танлови совриндорлари, ёш эстрада хонандаларининг концерт дастурлари, 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Ёш ижодкорлар Нодира Арслонова ва Гулҳаё Ахматоваларнинг она Ватан, Истиқлолни мадҳ этиб ижро этган қўшиқ ва шеърлари йиғилганлар қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

— Бу каби тадбирлар биз, ёшларни яна ҳам ғайрат-шижоат билан ижод қилишга, билим олишга ундайди, — деди Гулинигор Авазова. — Мен шу заминда ўсиб-улғайганимдан, севимли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганимдан чексиз фахрланаман. Бунга жавобан ўз иқтидоримни янада оширишга, ўзбек адабиёти, маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканлигини ижод намуналаримда баён қилиб, юртимиз шарафини кўкларга кўтаришга астойдил ҳаракат қиламан. Юртбошимизнинг «Ёшлар — менинг таянчим ва суянчим» деган сўзлари бизни доимо руҳлантириб, эзгу ишларга, самарали ижод қилишга ундайди.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# НАВҚИРОН АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда 18-23 апрель кунлари беш ёшгача бўлган 3 миллионга яқин бола полиомиелитга қарши эмланади.**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида Миллий эмлаш кунларининг бешинчи босқичи бошланиши муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари С.Сайдалиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини, буларнинг самарасида мамлакатимизда эпидемиологик барқарорлик сақланиб, халқимиз саломатлиги тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Юртимиздаги юқумли касалликларга қарши курашнинг миллий тақвимига кўра, ўн турдаги хасталик бўйича болалар мунтазам эмланмоқда. Бу тадбирлар тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилиб, эмлаш бепул ўтказилаётир.

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Таяд, ЮНИСЕФнинг минтақавий мувофиқлаштирувчиси С.Накви Ўзбекистонда давлат томонидан юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ана шундай изчил ишлар самарасида полиомиелит, қоқшол, бўғма каби хасталиклар қатор йиллардан буён қайд этилмаётгани ва барқарор вазият сақланаётганини таъкидлади. Ўзбекистон 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг полиомиелитдан холи ҳудуд сертификати билан тақдирланган.

Бироқ, ўтган йили минтақамиздаги айрим мамлакатларда ушбу хасталик бўйича мураккаб эпидемиологик вазият юзага келди ва қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этди. Шундан келиб чиқиб, 2010 йилда юртимизда тўрт босқичли миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Унда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, эпидемия таъсирига яқин Сурхондарё вилоятида эса 25 ёшгача бўлган аҳоли қамраб олинди. Буларнинг барчаси минтақамиздаги оғир шароитга қарамай, юртимизда эпидемиологик ҳолатни барқарор сақлаш имконини бераётир.

Бунинг мантиқий давоми сифатида ва болаларнинг полиовирусга иммунитетини янада кучайтириш мақсадида юртимизда жорий йилда ҳам икки босқичли миллий эмлаш кунларини ўтказиш кўзда тутилган. Унинг дастлабки босқичи 18-23 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистонда ушбу тадбирни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилди. Жойларда 8 минг 600 га яқин эмлаш бригадалари, 10 мингдан ортиқ пунктлар ташкил этилди, 9 минг нафардан зиёд врачлар, 32 мингга яқин ҳамширалар, мактабгача тарбия муассасалари ва Меҳрибонлик уйлари ходимлари махсус тайёргарликдан ўтказилди.

Эмлаш учун ишлатиладиган вакциналар Бельгиянинг «GlaxoSmithKline» компаниясида ишлаб чиқарилган ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган. Дунёда кенг қўлланилаётган ушбу эмлаш воситалари ҳозиргача сайёрамиздаги 2 миллиард болани хасталикдан ҳимоя қилишда ишлатилди. Вакциналар жойларга тегишли тартибда етказиб берилди ва ҳудудларда уларни зарур шароитда вақтинча сақлаш чоралари кўрилди.

Ушбу тадбирларнинг аҳамиятини аҳолига тўла-тўкис етказиш мақсадида ЮНИСЕФ кўмагида 2 миллион нусхадан кўпроқ ахборот-тушунтириш материаллари чоп этилиб, жойларга етказилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси миллий эмлаш кунларини юқори савияда ўтказиш ва шифокорларнинг малакасини оширишга оид семинар-тренинглар ташкил этишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Шу куни пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиникада полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Мазкур оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Алимованинг айтишича, ушбу тиббиёт маскани 30 мингдан зиёд аҳолига бирламчи тиббий-профилактика хизматини кўрсатиб келмоқда. Унда тиббий ёрдамни юксак савияда ташкил этиш учун барча зарур шароит яратилган. Эмлаш жараёнида аҳолининг тегишли қатлами тўла қамраб олинмоқда. Қўшимча ташкил этилаётган миллий эмлаш тадбирларида ҳам барча фаол қатнашмоқда. Оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамширалар маҳаллаларда, мактабгача тарбия муассасалари ва хонадонларда бўлиб, юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

– Ўғлим тўрт, қизим бир ярим ёшда, оилавий шифокоримиз ва патронаж ҳамширамиз тез-тез уйимизга келиб, саломатлигимизни назорат қилиб туради, – дейди «Чимбой» маҳалласида яшовчи Нилуфар Умаралиева. – Болаларимни эмлашга ўз вақтида олиб келаман. Бундай тадбирлар фарзандларимиз саломатлиги йўлида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ куйидагиларни маълум қилади!**

Тошкент шаҳар «UQM-TRANSAVTO» МЧЖ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 18.03.2011 йилдаги 55-56-сони ва «Частный сектор» газетасининг 17.03.2011 йилдаги 11-сонида чоп этилган хабарномалар билан «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳар Мироқилов кўчаси, 68-«А» уй манзилида сақланаётган «UQM-TRANSAVTO» МЧЖга тегишли жами 5 дона автотранспорт воситаларининг аукцион савдолари тўхтатилганлигини маълум қиламиз. **Асос:** «UQM-TRANSAVTO» МЧЖнинг 14.04.2011 йилдаги 113-01/33-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.





## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

*МУЛОҚОТ ҲАҚИДА*

**Кексанинг содда сўзларини менсимай, жеркиган ёш — одобсиздир.**

**Гапини пичинглар билан безаган одам — ғараздир.**

**Фаросатсиз мулоқот — ғаним пайдо қилади.**

**Эгри ўтирган бўлсанг ҳам, тўғри гапир!**

**Мулоқотинг шундай бўлсинки, кутиб олиш билан кузатишдаги мувозанат бузилмасин!**

**Мулоқотдаги ёввойи сўзлар одоблиларни ҳайиқтиради.**

**Юракдан чиққан гап — юракларга боради.**

**Илиқ мулоқот — инсонга қанот.**

*ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА*

**Ҳақиқат — муқаддас нурдир.**

**Ҳақиқат — хатонинг тахир дориси.**

**Ҳақиқат — ҳаётнинг қуёши.**

**Ҳақиқат — доимо ошкора.**

**Ҳақиқатни енгиб бўлмайди.**

**Ҳақиқатга завол йўқ.**

**Булут офтобни мангу қоплаб туролмайди.**

**Ҳақиқат гувоҳ қидириб юрмайди.**

**Муҳитни безатувчи — ҳақиқатдир.**

**Нурни чўктириб бўлмайди.**

**Ҳақиқатга теккан ўқ — сапчиб тушади.**

**Ҳақиқатчилар бирлиги — метин қалъадир.**

**Ҳақиқатчини ҳеч ким енга олмайди.**

**Ҳақиқатни букиб бўлса-да, синдириб бўлмайди.**

**Ҳақиқат — ҳужум қилганда ҳам фойдали.**

**Ҳақиқат — олтин, уни синдирсалар-да, нархи пасаймайди.**

**Ҳақиқат кучда эмас, куч — ҳақиқатда.**

**Ҳақиқатга кишан солиб бўлмайди.**

**Ҳақиқатнинг заҳари — ёлғоннинг асалидан афзал.**

**Ёлғон ҳақиқатдан қўрқади.**

**Ҳақиқатнинг рангини ўзгартиролмайдилар.**

**Ҳақиқатнинг юзи доимо ёруғ.**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11 даража илиқ, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-14 даража илиқ, кундузи — 23-28 даража иссиқ бўлади, шимол ва жанубда кечаси — 10-15 даража илиқ, кундузи — 25-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3987 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 406 Топшириш вақти: 13 00 Босишга топширилди: 15 55